

Ҳадис 195-дарс. Иймонингизни қадр-қиммати қанчалик эканлигини билмоқчимисиз?



19:00 / 17.08.2022 3008

(учинчи мақола)

يَلْعَأُضْوَتٌ نَمٌ لَاقٌ مَلَسُو هِيَ لَعَلَّ لَاصِرِي بَلَلِ نَعُ عُنُ هَلَلِ يَضَرَّرْمُعَنْ بَلَانَعُ
يَذِمُّرَّتْ لَوْدُوَادٌ وَبَأْ هَاوَرِي تَانَسَحُ رُشَعُ هَلَبَتُكِرُهُطُ

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким таҳоратнинг устига таҳорат қилса, унга ўнта ҳасанот ёзилади», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳу ривоят қилган ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам таҳоратнинг устига яна таҳорат қилиш яна ҳам кўп савоб олишга сабаб бўлишини маълум қилмоқдалар. Бу эса ўта покликка даъватдир. Кўп зотлар савоб умидида ушбу ҳадисга амал қилиб, таҳорат устига таҳорат қилишни ўзларига одат қилганлар. Биз ҳам кўпроқ савоб олишни истасак, улардан ўрнат олишимиз лозим.

Бу покликнинг фазилатлари ҳақида келган ҳадиси шарифлардан баъзиларидир. Биз уларни тасаввур ҳосил қилиш учун келтирдик. Лекин шунинг ўзидан ҳам Ислом динида покликка қанчалар катта эътибор берилгани, ҳатто поклик иймоннинг ярмига тенглаштирилгани яққол кўринади.

Эътибор берадиган бўлсак, ўрганган ҳадисларимизда мўмин-муслмон учун поклик йўлида қилинган амаллари эвазига кўплаб савоб, охират саодати ва ундаги олий мартабалар ваъда қилинмоқда. Аммо бу поклик фақат охиратда фойда келтиради, дегани эмас. Поклик аввало бу дунёда фойда келтиради. Унинг бу дунёдаги фойдаси охиратдаги фойдаси олдида арзимаган нарса бўлганлиги учун у ҳақда зикр қилинмаётир.

Ислом дини покликни ҳар бир муслмон учун ибодат қилиб, уни иймоннинг ярмига тенглаштириб қўйганлиги ва ибодат нопок ҳолда қабул қилинмаслиги бежиз эмаслигидан орадан ўн тўрт аср ўтганидан сўнггина бошқалар ҳам поклик инсоният учун қанчалар зарур эканлигини англаб етдилар. Аста-секин юз-қўлларини, кейин баданларини ювишга ўтдилар. Ундан сўнг кийим-бошларини, турар жойларини, кўчалари, шаҳар-қишлоқларини озода, пок тутишга одатландилар.

Ғайримусулмон халқлар қадимги муслмонлардан ўрнак олиб, ўзлари тушуниб, поклик сари юз бурган ва бураётган бир пайтда муслмон халқлар Исломдан узоқлашиб, унинг ҳукмларига номигагина амал қилишга ўтиб қолдиларки, бу ачинарли ҳолдир.

Бу жараён покликка бўлган муносабатда ҳам кўринди. Муслмон номини рўқач қилувчи кишилар ичида ибодатсизлари пайдо бўлди, умуман, покликка эътибор бермай қўйганлари ҳам кўп бўлди. Оқибатда покликка амал қилмаслик туфайли шу дунёнинг ўзидаёқ турли муаммолар пайдо бўла бошлади.

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди